

“САБОТ УЛ-ОЖИЗИН”ДА ТАЖНИСНИНГ ЎРНИ

Носирхонов Муҳаммадхон

ТДИУ Тўрткўл факултети

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши 3 курс талабаси

93-2722214

mnosirxonov@gmail.com

Севара Баратова,

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори

институти кичик илмий ходими,

Тел: 93-5384422

E-mail: baratovasevara07@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Сабот ул-ојизин”даги битта фаслда келган тајнислар ҳақида мухтасар сўз юритилган. Тајниснинг қатор кўринишлари таҳлилга тортилган ва ёзувчининг маҳорати очиб берилган.

Калим сўз: Тајнис, омограф, маснавий, равонлик, эмоционаллик, метафора.

THE ROLE OF TADJNIS IN “SABAT AL-AJIZIN”

ABSTRACT

This article briefly deals with the tadjnises given in one chapter of “Sabat al-Ajizin”. Various types of tadjnis are analyzed; and thereby the outstanding skill of the writer is shown.

Keywords: Tadjnis, homograph, masnavi, emotionality, a metaphor.

Луғатларда тајнисга қуйидагича мухтасар таъриф берилади: “тајнис (تجنيس - ҳамжинс, жинос) мумтоз адабиётдаги шеърий санъат; шакли бир хил (омоним (талаффузи ва ёзилиши бир хил бирдан ортиқ сўзлар: қил -қил) [Ҳожиёв, 1995; 70]. ёки бир-бирига яқин омограф (талаффузи фарқли, ёзилиши бир хил бўлган бирдан ортиқ сўзлар: ток – ток), [Ҳожиёв, 1995; 70]. омофон (талаффузи бир хил, лекин ёзилиши ҳар хил сўзлар: мард –март), [Ҳожиёв, 1995; 71]. омоформа (омоним шакллар; маълум шаклларда товуш томондан бир хил бўлувчи сўзлар. Бу ҳодиса одатда турли туркумга оид сўзлар ўртасида воқе бўла олади: ол-ди – олд-и) [Ҳожиёв, 1995; 71]. бўлган сўзларни байтнинг турли ўринларида келтирилган ҳолда, ҳар бир ўринда алоҳида маъно ифодалаш”. [Қуроноғ, 2010; 301]. Ҳазрат Алишер Навоий

“Мажолис ун-нафоис”да ушбуни келтиради: “Мавлоно Муҳаммад Амин... “дилбарам” лафзин етти тажнис била айтиб, ул ғазалин Бобур Мирзо тобуғида келтурди”. [А.Навоий, 2011; 66-67].

“Бадойиъ ус-санойиъ” муаллифида (Атоуллоҳ Ҳусайний) тажнис тубандагича таърифланади: “Ани жинос ҳам дерлар. Луғатда бирор нарса билан ўхшаш бўлмоқтур, жинос эса ҳамжинс маъносиндадур. Истилоҳта – икки ёки андан ортиқ лафзнинг наъву турлари баён этилган кўринишларидан бирида бир-бирига ўхшамоғидан ибораттур.

Ул икки наъвдур: лафзий тажнис ва ғайри лафзий тажнис. Гарчи баъзи ҳолларда булар кўшилса ҳам, тубанда маълум бўлурким, ўрни била бир-биридин айрилиб турурлар”. [Ҳусайний, 1981; 38-39]. Атоуллоҳ Ҳусайний бу қарашни бардавом қилиб, ғайри лафзий тажнис (тажниси ноқис (*шер – шир, дур – давр*) - ноқисли тажнис)га бундай таъриф беради: “Ани тажниси мухталиф ва тажниси муҳарраф ҳам дерлар. Ул лафзларнинг ҳарфлар сони тури ва тартибда мувофиқ бўлиб, ҳаракату сукунот, ташдиду таҳфиф, мадду қасрдин бўладиғон шаклда турлича бўлмоғидин ибораттур”. [Кўрсатилган асар, 39-46]. Айни чоғда унинг тажниси музайял (*зор - низор*), тажниси лоҳиқ (*тахт - бахт*), тажниси акс (*роз - зор*), тажниси муздаваж (*гулнор - нор*), тажниси мураккаб (*гулоб – гул об*), тажниси хаттий (*гул - гил*) каби ўндан зиёд кўринишлари мавжудлигини санаб ўтган. [Кўрсатилган асар, 287-306].

Таъкидлаганимиздек, мумтоз шеърятда тажниснинг ҳар икки туридан кенг йўсинда истифода этилгани ҳолда, фикрларнинг таъсирчан этишга, образлиликни кучайтиришга, бадий сўз қувватини оширишга эришганлар. Булар сўз ўйинлари даражасида қабул қилинса-да, шеърнинг равон чиқишида, ифоданинг силлиқ баёнида, унинг эстетик қувватини оширишда муҳим аҳамият касб этган. XVIII асрнинг муҳим ёдгорлиги бўлган “Сабот ул-ожизин” ҳам бундан мустасно эмас. Бу китоб муаллиф Сўфи Оллоёрнинг форс-тожик тилидаги “Маслак ул-муттақин”нинг муридлар илтимосига кўра таржима қилинган муҳим қисмидир. Мазкур китоб эътиқодий соғломлик, маънавий поклик дастуридан дарс бериши билан аҳамиятлидир. Бошқача таърифлайдиган бўлсак, унда Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда ҳукм қилинган ақоидларнинг шеърини инъикоси кўпроқ тажнисли сўз ва иборалар орқали баён этилган. Асосий мақсад кишиларга Аллоҳ каломида келган амрларга сўзсиз итоат этиш ва Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини адо қилишдан иборат бўлган. Шу сабабдан муаллиф асарни жамиятнинг барча қатламига тушунарли бўлишини назарда тутиб, бир-биридан таъсирчан ташбеҳлар, чиройли сўз ўйинлари (тажнислар), ажойиб тамсиллар, истиора ва бошқа

бадий тасвир воситалари билан зийнатлаган. Булар асардаги панднома мазмуннинг таъсирчан бўлишини таъмин этган. Китоб, назаримизда, мазмунан уч йўналишни ифодалаган. Тўғрироғи уч масалага – шариат, тариқат ва буларнинг натижаси ўлароқ пандномалик хусусияти билан эътиборни тортади. Шулардан, панднома мазмунни ифода этишда тажнисдан нечоғлиқ фойдаланганлиги ва шу орқали носеҳлик лаёқатини қай даражада намоён эта олганини мухтасар кўриб ўтайлик.

Китобда “Тамаъдан тийилиш ҳақида” деб сарлавҳаланган фасл бор. Сарлавҳадан аёнки, масала панду насиҳат бобида. Унда тамаънинг гуноҳи кабиралардан бири экани баён қилинади. Шуниси эътиборлики, муаллиф, тамаъ, гуноҳи кабиралардан бири эканлигига ишора қилибгина қолмасдан, кишиларни тамаъ зиндонига гирифтор бўлмасликка, ҳиммат билан ёр бўлишга, қаноат билан яшашга чақиради. Аввалига муболағага ўрин бериб,

Агар қозса ариғ, киприк билан мард,

Анга бир хўшае жў қилса Парвард.

Бу меҳнат бирла топсанг парчаи нон

Кишини миннатидин улдур осон, – дейди. [Сўфи Оллоёр,

2007; 71].

Яъни: киши киприк билан ариқ қазиб, унинг суви билан бир бош арпани парвариш қилиб кўкартурса, мана шундай меҳнату машаққатлар билан топилган бир бурда нон кишининг миннатидан минг карра афзалдир. [Р.Зоҳид, 2018; 157-163]. Шундан сўнг Сўфи Оллоёр бир қатор маснавий байтларда тажнисларга ўрин бериб, тамаънинг ярамас одатлардан эканлигини таъкидлайди. Буларда тажниси томни ҳам, тажниси ноқисни ҳам, фикрни теран чиқишига бўйсундиради:

Қидирғон бирла ризқинг *қидри* тошмас,

Кетар *қадринг*, *қадардин* ҳаргиз ошмас.

Яъни: Ризқ излаб, унинг ортидан елиб-югуриш билан ризқингнинг қозони тошмайди, балки қадринг кетади, кўп топаман деганинг бефойда, тақдирда белгиланганидан ортиғига эришолмайсан. Байтдаги “қидирғон ва қидри”, “қадр ва қадар” сўз-жуфтликлари тажнисни ҳосил қилаётгани ва бу орқали байтнинг мазмун ва шаклида таъсирчанлик кучаяётганини илғаш қийин эмас.

Таваккул ганжидин, эй юз ўгиргон,

Буюрганга муҳолифдур *бу юргон*.

Яъни: Оллоҳга суяниш таваккул қилиш хазинасидан юз ўгирган, эй кас! Сенинг бу юришинг Оллоҳ таолонинг буюрган ишига ҳилофдир. “Агар эътибор берилса, байтларнинг нафақат мазмунида, балки шаклида ҳам

“оллоёрона” ўзига хослик бор. Юқорида *қидр, қадр, қадар* каби бир ўзакдан ясалган, аммо маъноси турлича сўзларнинг бир байтда жамланиши, кейинги парчадаги иккинчи мисранинг *буюрганга* билан *бу юрган* каби шаклий яқинликка эга сўзлар асосига қурилиши, умуман тажнис санъати билан боғлиқ байтлару мисралар оралаб сочиб чиқилгани ва сўз санъати билан боғлиқ яна кўпгина хусусиятлар “Сабот ул-ожизин”нинг бадииятини очишга етарли заҳирадир”. [Р.Зоҳид, 2018; 159].

*Ола бўлгон ола юргондин ортиқ,
Кўмилган термулиб тургондин ортиқ.*

Яъни: бу юришинг бировлардан сўраб олиб, тиланчилик қилгандан ортиқроқ. Юзингнинг неча қават терисини шилиб, кимсага муҳтож термулиб тургандан кўра ўлганинг афзалроқ. Р.Зоҳиднинг қайд қилишича, “ола юргон” метафорасини бошқа мушорихлар, масалан, “Ҳидоят ул-толибин” муаллифи “пес бўлмоқ” деб шарҳлаган экан. [Кўрсатилган асар, 2018; 159]. Бунда ҳам жон бор. Негаки, тамаъ, юқорида айтилганидек, энг катта гуноҳлардан ҳисобланади. Шу сабабли Оллоҳга суянмоқ, Оллоҳ иноятига кўз тикмоқ чандон афзалдир.

*Агар тош чайнаса, элдин чиқиб тош,
Кишига эгмагай ҳимматли қул бош.*

Яъни: ҳиммату ғайратга эга одам, гарчи элдан ташқари чиқиб, тош чайнаса ҳам бандага бошини эгмагай, тамаъ қилмагай. Бу ўринда иккала “тош” сўзи тажнисни ҳосил қилиб, том маънодаги “тош”ни ҳамда “ташқари” лафзи билдирган маънига ишора қилмоқда.

*Тамаъ нониға лаб очгунча, ўл оч,
Минан ўтидин учқундек бўлиб қоч.*

Яъни: тамаъ билан топилган нонни ейиш учун лаб, оғиз очгунча очликдан ўлгин, миннат ўтидан учган учқундек бўлиб қочгин. Бу ўринда “очгунча” ва “оч” сўзлари тажнис бўлиб, бирида “очмоқ” феъли, яна бирида метафора бўлган “оч одам” маъноси юзага келган. Шу ўринда мазкур байтнинг бошқа варианты ҳам борлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Негаки, бунда иккала мисрада ҳам тажнис иштирок этади: “Қаноат маъданиға оч кўзинг, оч, Тамаъ бўйи кўринмай, бўйидин қоч”. Иккинчи мисрадаги “бўйи” лафзлари “кўриниши” ҳамда “ҳиди” маъноларида коннотация ҳосил қилган.

*Агар қорни бирор тўймаса қарни,
Кишиға аймагай эр банда сирни.*

Яъни: қорни бирор таомга тўймасдан оч юрса ҳам, мард банда буни бировга айтмагай. Олдинги мисрада “қорни” ҳамда “қарни” лафзлари тажниси ноқисни ҳосил қилиб, байтга равонлик ҳамда таъсирчанликни киритган.

Тамаълик сийладин беҳдур силингган,

Тилангандин эрур осон тилинган.

Яъни: тамаъ билан олинган сийловдан юзнинг териси шилингани яхшироқ. Бунда иккала мисрада келган “сийладин” ва “силингган” ҳамда “тилангандин” ва “тилинган” сўзлари тажниси ноқисни юзага келтирган ва муаллиф демоқчи бўлган фикрни бениҳоя сиқиклик ҳамда таъсирчанлик билан тингловчига етказишга хизмат қилган.

Таъма қилма топарға зар нигорин,

Бу зар меҳри бузар диннинг ҳисорин.

Яъни: олтину кумуш маҳбубингга айланиб, уни қўлга киритаман дея тамаъ қилма. Чунки бу зар, бу дунё меҳри дин қалъасини бузади. Маснавий байтда икки ўринда келган метафоранинг (“зар нигорин” ва “бу зар”) иккинчиси, иккинчи мисрадаги “бузар” феъли билан тажниси томни юзага келтирган.

Биз “Сабот ул-ојизин”даги битта фаслда келган тажнислар ҳақида мухтасар сўз юритдик. Шу фаслнинг яна бир неча ўрнида тажниснинг қатор кўринишлари учрайди. Бугина эмас, китобнинг барча фаслларида тажнис жуда кўп ишлатилган. Бу ҳолат муаллифнинг ўзбек тили имкониятларидан, унинг лексикасидан бениҳоя чуқур хабардорлигидан ва буни амалда кўрсата билишлик қобилиятини намоён қила олганидан дарак беради. Ана шу топқирлик, ана шу дақиқлик китобдаги ҳар бир байтга равонлик, эмоционаллик, диққатни жалб этарлик ҳамда хотирда дарров ўрнашиб қоларлик хислатини таъмин этган.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг имло луғати. – Т.: Ўбекистон МЭ нашр.1995. – Б.70.
2. Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М, Адабиётшунослик луғати. Т.: Академнашр., 2010. – Б.301.
3. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд. Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.66-67.
4. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. 1981. – Б.38-39.
5. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ојизин. - Т.: Санъат журнали, 2007. – Б.71. Бундан кейинги байтлар шу манбадан олинди. – С.Б.

6. Изоҳлар Р.Зоҳид томонидан тайёрланган “Равойихур райҳон” (“Сабот ул-ожизин” шарҳи) китобидан олинди. Қаранг: Р.Зоҳид. “Равойихур райҳон” (“Сабот ул-ожизин” шарҳи). – Т.: Шарқ, 2018. – Б.157-163.
7. Р.Зоҳид. “Равойихур райҳон” (“Сабот ул-ожизин” шарҳи). – Т.: Шарқ, 2018. – Б.159.